

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 29 (66258)
2000 йил 20 июль, пайшанба.

Сотувда эркин нархда

Обуна - узлуксиз жараён

МУХБИР САФАРДАН ҚАЙТДИ

Йул юрсанг йироқни, утирсанг ўриндиқни кўрасан, дейди доно халқимиз. Менинг бу хизмат сафаримдан кўнглим анча равшан бўлиб, ўз вақтида айрим муаммолар билан ранжиб ҳам қайтди. Қувонганим Дангара, Учқўприк. Бувайда туман Халқ Таълим мудирлари билан бу йилги газета обунаси утган йилгидан кўра ўсганлиги, болаларнинг газета, журналларга булган талаби анча юқорилиги. Ҳар ун нафар ўқувчи биттадан «Тонг юлдузи»га албатта обуна бўлишига раҳбарлар ваъдасини олганим.

Ранжиганим, тумандаги айрим боғча мудирларининг келажагимиз булган болаларга беварқлиги. Ушбу сафар ҳақида сизларни газетамиз саҳифаларида хабардор қилиб бораман ва менга айтишганларини сизга айтиб бераман.

Фарғона вилояти Учқўприк тумани Халқ Таълими мудир Абдуфаттоҳ Деҳқонов:
-Туманимизда 37 минг 607 нафар ўқувчи бор. Аммо ёзги таътилда фақат битта оромгоҳимизда болажонлар дам олмоқда. Чунки мактаб қошида ташкил этилган оромгоҳлар болаларга бепул хизмат қилмоқда-да!

Бувайда туман Халқ Таълими мудираси
Оминахон Алиева:

- Мен «Тонг юлдузи» газетасининг ҳар бир сонини маҳалла йиғинларида ҳам ота-оналарга болаларингиз ўқиб боришларига эътибор беринг, дейман. Ўзим айнан шу газетанинг мухлисман. Аммо бир нарсдан хафалигимни сир тутмаслигим айтмай. «Тонг юлдузи» газетасида маҳаллийчилик кўпроқ кўзга ташланади.

-Бизнинг назаримизда сиз айтганчалик эмас, Омина опа! Янги ўқув йилидан бошлаб Фарғона вилояти Бувайда тумани ўқувчиларидан хат-хабарлар қани, қанча келаркин? Газета ўқишса, унга фаол обуна бўлишса, бизга хат ёзишадими-да! «Тонг юлдузи» хат-хабарлар асосида чоп этилади.

Дангара туман Халқ Таълими мудираси Набия Рўзиматова:
-Туманимизда 28 мингдан ортиқ ўқувчиларимиз бор. Мақсадимиз болалар ва ўсмирларимизга ҳамisha хайрихоҳлик қилиш. Бу йилги обуна наشريда яхши кўрсаткичларга эришиш. Лекин, «Тонг юлдузи» газетасининг нархи вилоятларга келганда қимматга тушмоқда. Биз истардикки қишлоқ шароитида обуна масаласи яна бир бор кўриб чиқилса.

Масофа чегара билмас. Қушлар қаноти билан чўққиларни забт этса, инсон ақл-идроки билан тоғларни ҳам бўйсундиради. Шунинг учун ҳам хабарлар, хатлар, ютуқлар ва камчиликлар бор экан, тоғлар ошиб бўлса-да, алоқамиз мустаҳкамланаверади.

Маъмура МАДРАҲИМОВА.

USTOZIMNI SOG'IVAMAN?

Men Toshkent shahridagi 245-maktabning 4-sinfini bitirib, 5-sinfga o'tdim. Mening birinchi ustozim Mastura opa Minavvarova. Ular menga yozishni, o'qishni, o'zidan kattalarni va ota-onamni hurmat qilishni o'rgatdilar. Ustozim juda mehribonlar. Mastura opam sinfimizdagi hamma bolalarni o'z bolalaridek yaxshi ko'radilar. Hecham yomon gapirmaydilar.

Yuqori sinfda ustozim bizni o'qitmaydilar. Men esa ularni tez-tez ko'rib, maslahatlarini olib turaman. Chunki Mastura opamga juda o'rganib qolganman. Men ustozimdan minnatdorman. Mastura opa, baxtimizga sog' va omon bo'ling. Umringiz uzoq bo'lsin.

Dilshod USMONOV,
Toshkent shahar, Akmal Ikromov tumanidagi
245-maktab 4-sinf
bitiruvchisi.



“ГИЙБАТ - СУХБАТНИНГ ГУЛИ”МИ?

Ҳар кимнинг юрагида ўзига яраша орзуси бўлади. Кимдир ўқишга киришни, яна кимдир бой бўлишни, машҳур бўлишни ва яна бошқа нарсаларни орзу қилади. Аммо баъзиларнинг орзу-ҳаваслари йўқми ё бекорчими, кимнингдир гийбати билан овора бўладилар. Хонанда куйлагандек: “Хато қилишингни кутарлар”.

Бизнинг қишлоқда айримлар ўқиганни ҳам, ўқимаганни ҳам, ишли-ю ишсизни ҳам тинч қўймайдилар.

-Фалончини қизини қара, сочи қалта, тиззадан баланда кўйлак. Мусулмончиликка тўғри келмайди-я.

-Вой, шунча вақт шаҳарда нима қилибди, бир ўқишга киролмаса, юришлари ўзгача эди...

Бундай гаплар одамга ортиқча эмасми? Шундай гийбатларни эшитиб инсон ўз орзуларидан ҳам кечишга тайёр бўлиб қоларкан. Катталар келажак авлодни раббатлантириш ўрнига, нима учун уларни йўлдан қайтардилар. Сиз бунга нима дейсиз, катталар?

Асалой УРОЛОВА, Дилноза ЖАҲОНОВА,
Самарқанд вилояти, Қўшрабат туманидаги
Қоратош қишлоғи.

БАРАКА КУТУБХОНАГАМИ Ё ЧЎНТАККА?..

Дугоналарим Гулчеҳра, Дилбар ва Шаҳзодалар билан таътилда мазза қилиб дам оляпмиз. Кўп қаватли бинода яшаганимиз сабабли уй юмушларини тезда бажараманда, дугоналарим билан кўришишга шошаман. Нега дейсизми? Чунки дугоналарим билан турли ўйинлар ўйнаймиз, чарчагач қизиқ-қизиқ воқеалар ҳақида суҳбатлашамиз.

Ўтган гал суҳбатимиз дарсликларга бориб тақалди. Илгарилари дарсликлар мактаб кутубхонасидан бир йилга берилиб, ўқув йили тугагач яна кутубхонага топширилди. Ҳозир эса ўқувчилар ҳар бир фандан китобни ўзлари сотиб олишлари керак. Тўрт-беш нафар фарзанди мактаб ўқувчиси бўлган ота-оналар фарзандининг ҳар бирини китоб, қолаверса бошқа ўқув қуроли билан таъминлаши ҳам керак-ку. Шуларни ўйлаб, китобни аввалгидек мактаб кутубхонасидан берилса бўлмасмикан, деган фикр уйғонди менда. Шунда ота-оналарга моддий томондан енгил бўларди.

Нилуфар АБДУЖАББОР қизи,
Тошкент шаҳри,
Акмал Икромов туманидаги
296-мактаб ўқувчиси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА



Қоғознинг нархи фалон пул, лотин алифбосидаги дурустроқ шеърӣ китоблар анқонинг уруғи бўлиб турган бугунги кунларимизда биз «Тонг юлдузи» газетасида бир тажриба

ўтказмоқчи бўлдик. Яъни, газетамизнинг ички саҳифаларида сиз учун шеърӣ китоблар чоп этишга қарор қилдик. Қизиғи шундаки, бу китобчани ўзингиз қайчилаб, саҳифалаб, тикиб оласиз.

Эҳтимол, бу ўзингиз ясаб олган илк китобчангиз бўлар. Эҳтимол, шу илк интилишлар сабаб бўлиб, келажакда ўзингиз ҳам катта ижодкор бўлиб этишарсиз. Катта-катта китобларнинг муаллифига айланарсиз.

Ҳозирча эса, сеvimли шoirингиз Нурилло Остоннинг «Куёш кулгуси» номли китобчасини ўзига хос шу йўл билан тақдим этамиз

О'ЗБЕКЧА ISM YARASHMADI.

Mening qo'g'irchoqlarim judayam ko'p. Bo'sh qoldim deguncha ularga ko'ylaklar tikaman. Ko'zlariga qarab ular bilan suhbatlashaman. Q'og'irchoqlarimga o'zim ism ham qo'yganman. Sochi sariq, ko'zi ko'k bo'lgani uchun birini Mashenka, yana birini Barbi deb chaqiraman.

Bir kuni uydan atlas mato topib oldim. Oyimning ko'ylaklaridan ortib qolgan ekan. Darrov undan qo'girchoqlarimga ko'ylak tikishga tushdim. Ko'ylakcha chiroyli chiqdi. Uni birinchi Mashenkaga kiydirib ko'rdim. Qarasam, Mashenkaning sariq sochlariga ko'iak hecham yarashmadi. Keyin ko'ylakni Barbiga kiydirdim. Unga sal yarashgandek tuyuldi, xursand bo'lib oyimga ko'rsatdim. Oyim esa «Ko'ylak qo'g'irchoqqa juda yarashibdi. Lekin qo'g'irchog'ingni ismi barbi-ku? Unga o'zbekcha ism topa qol»,- dedilar. Men Barbiga yarashadigan o'zbekcha ism topa olmadim. Sariq sochli qo'g'irchog'imni sochini qoraga bo'yab, ismini Dildora qo'ydim. Bu ishimdan ham ko'nglim to'lmadi.

Qani endi oyijonim bilan do'konga borsamu, sochi qora, o'zbekcha ko'ylakli qo'g'irchoq sotib olsam. Do'konda o'zbekcha qo'g'irchoqlarni topa olarmikanman?!

Dildora NOROVA,
Buxoro viloyati, Romitan tumanidagi Kurgatov nomli maktabning 4-sinf o'quvchisi.

ЭКОЛОГИК МУАММО

Ҳаммага маълумки, экологиянинг бузилиши жуда ёмон оқибатларга олиб келяпти. Одамзод ўз иқтисодий фаолиятини ошириш мақсадида кўпгина экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабабчи бўляпти. Масалан: завод ва фабрикаларнинг мўриларидан кўпинча инсон ҳаёти учун зарарли моддалардан иборат тутунлар чиқади.

Шу ва шунга ўхшаш санинг озон қатлами емиримида ҳосил бўлган туйучун зарарли бўлган тўғри ўтиб, ер юзидани келтириб чиқаряпти.

Агар яхшилаб ўйлаб

агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, завод ва фабрикаларнинг олган даромадидан кўра кўпроқ зарари тегади. Чунки уларнинг мўриларидан чиқаётган тутун, қувурлардан оқаётган захарли сувларнинг тоза ва оқова сувларга қўшилиши натижасида ҳаво бузилади. Бу ҳаводан нафас олган инсоният эса турли касалликларга чалинади. Аҳолининг саломатлигини тиклашга эса давлат жуда кўп миқдорда маблағ ажратади. Бу билан завод ва фабрикаларни бутунлай йўқ қилиш керак, демоқчимасман. Фақат уларнинг экологияга салбий таъсири бўлмаслик чорасини кўриш керак. Масалан: заводларга захарли моддаларни ўзида ушлаб қолдиган мосламалар ўрнатилиши лозим.

Биз истиқомат қиладиган ҳудудда ҳам, яъни Жиззах шаҳрининг «Қипчоқ» маҳалласида «Оҳак» заводи жойлашган бўлиб, бу завод кўпгина экологик муаммоларнинг сабабчиси бўляпти. Яхшиямки бизнинг маҳалла тоғлар ёнбағрида жойлашган. Агар шу тоғлар бўлмаганда бундан баттар ҳоллар юз берармиди? Лекин заводнинг мўриларидан чиқаётган захарли тутунлар туфайли завод атрофидаги тоғларда майсалар ўсмай қолган.

Энди «Оҳак» заводи келтириб чиқараётган муаммоларга келсак, аҳолининг томорқаларида сабзавот экинлари ўсмай қолган. Агар таҳлил қилсак, завод йилига 45000000 сўм миқдорда фойда олади. Маҳалламиздаги 975 оила ва 4500 аҳоли йил давомида тахминан сабзавот экинларини сотиб олиш учун 4750000 сўм маблағ сарф қилса, заводнинг ўзи учун олган фойдасидан кўра, аҳолига кўпроқ зарари тегади. Лекин заводни бузиш керак эмас, ахир нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ягона оҳак ишлаб чиқараётган корхонадир. Экологик муаммони бартараф этиш мақсадида мен қуйидагиларни таклиф қиламан:

1. Заводнинг экологияга салбий таъсири кўрсатмаслик хавфсизлигини таъминлаш керак.
2. Заводнинг мўриларига тутунни ушлаб қолиш учун филтер ўрнатиш лозим.

Агар юқоридаги заводда экология хавфсизлик чоралари кўрилса, заводнинг экологияга ва аҳолига бўлган салбий таъсири бирмунча камаяди ва иқтисодиётга ижобий таъсири тегади.

Шаҳло УМАРОВА,
Жиззах шаҳри, Эшпўлат Содиқов номли
15-мактабнинг 7-«А» синф битирувчиси.

SIZNI SOG'INIB


Oyijonim Toshkentga dam olishga ketdilaru, uyimiz huvillab qoldi. Singillarim Maftuna va Gulandomlarga o'zim qarayapman. Dadamlar ham kuni bilan ishlab charchab keladilar. Barcha uy yumushlarini o'zim bajarib, oyijonimga qanchalik qiyin ekanligini tushundim. Shuncha ishlarni qilib, yana bizning erkaliklarimizni ham ko'tarar ekanlar. Singlim Gulandom endigina besh yoshga to'ldi. Erka bo'lgani uchun oyimni sog'inib har kuni kechqurun yig'lay boshlaydi. Amallab uni uxlataman. Kunduzi dugonam Setora chiqib menga qarashib yuboradi. Sal ko'nglim yorishadi-yu, singillarimning janjalidan yana jahlim chiqadi.

Mayli, oyijonim shifo topib kelsalar bo'lgani. Kelganlarida doim ularga eng yaqin sirdosh va yordamchi bo'laman. Gazetam «Tong yulduzi» orqali oyijonimga shunday deymen: «Oyijon, tezroq sog'ayib uyga keling. Biz-singillarim va dadam sizni juda sog'indik».

Muxlisa Normo'minova,
Qashqadaryo viloyati, Qarshi shahridagi Sobir Rahimov nomli 39-maktabning 4-sinf o'quvchisi.


DARVOZANI OCHINGLAR

Kap-kapa kanjil-a,
Darvoza zanjir-a
Darvozani ochinglar,
Gul isini sochinglar.
Bolari xushhol bo'lsin,
Qanotida bol bo'lsin.




TURNALAR

To'ldiradi samoni,
Turnalarning karvoni.
Tong shamoli bodlanar,
Sho'x bolalar shodlanar.
Nigohlarim porlaydi,
Turnalarni chorlaydi!



SUYUNCHI

Yangi mehmom opkeldik,
Belanchakka sop keldik.
Arazni ham biladi,
Qo'l silkitib kuladi.
O'zi yaxshi o'yinchi,
Bering endi suyunchi!




TADBIKKOR USTA

Buzilsa qay narsangiz,
Meni izlab borsangiz.
Tuzataman qotirib,
Teng yarmini ortirib.
Mendek asl ustadan,
Chiqar bitta yuztadan!

UZUM

Tokimiz solgach uzum,
Chumchuqlar qildi xujum.
Tiqma deya tumsuhg'ni.
Qolsin dedim ishkonda,
Mayli kelgin pishganda.



YURISH

Gul yaroqlar sarg'aydi,
Esdi izg'irin yellar.
Shudringlarni sachratib,
Biz tomonda kuz kelar.
Yotar mag'lub qo'shunday,
Dalada qovun-tarvuz,
Ketdik o'sha tomonga,
Yurish qilamiz Navro'zi

SOVUTGICH

Opkelganmiz qishloqdan,
Saryog', yaxna pishloqdan.
Bo'ling doim izzatda,
Biz qochmaymiz xizmatdan.
Bardam qilib yurakni,
Otavergum hurtrakni!




BEGEMOTNING BOLASI

Yurgan edi pishqirib,
Suv muzladi qish kirib.
Uyib hovuz muzini,
Dedim: qandog bolasan!
Chiq shamollab qolasan!
Meni ko'rib po'stinda,
Rosa kuldi ustimdan
- Suvga boq, timiq, - dedi,
- Hozirdan chiniq, - dedi.




O'QUVCHIGA

Hozirjavob, ziyrak bo'l,
Hamma joyda tiyrak bo'l
Sho'xliklarni bas qilgin,
O'z vaqtida dars qilgin!



TONGDA

Hatto ko'zga tashlanmas
Oy yuzida chandig'i.
Ufqlarda ochildi
Tongning oltin sandig'i.
Sandig'idan nurli tong,
Tillarini ulashdi.
Kun nurida bolalar,
Tongni qutlab quvnashdi.



SARXOL YURI

-Kuni bilan
Yog'di yomg'ir.
Bulutlarni
Sog'di yomg'ir.
So'ngra ranglar
Yondi har-xil.
Yeru osmon
Bo'ldi sarxil.

KUNGABOQAR

Razm solib qarasam,
Turar dala shapkali.
Naq chaqirim olisdan,
Eshitilmas gaplari.
Biror korhol bo'ldi deb,
Borgan edim xavflanib.
Turgan ekan birdayin,
Quyosh tomon saflanib.



SOKINLIK

Osmonda oy yayraydi,
Uzlatda qush sayraydi.
Sharqiraydi muzli soy,
Yaltiraydi to'lin oy.
Kimsasiz yo'llar sokin,
Bulut sudraydi chokin...



TUT PISHIG'IDA

Potmachumchuq chirqirab,
Tutni pishirib oldi.
Sheriklari jam bo'lib,
Boplab tushirib oldi.
Marvarid tut shirador,
Asal edi, qand edi.
Potmachumchuq tumshug'i
Chip yopishib, pand yedi.



KIRPI

- To'xta oshna Kirpijon,
Buncha shoshma Kirpijon.
Tugamasdan ish mahal,
Qayga ketursan jadal?
Kirpijon qovoq uyar,
- Ko'chada yomg'ir quyay...
Yoddan chiqibdi... - Xo'sh, xo'sh?
Olivolish yomg'irpo'sh...



YOZ TUNIDA

O'yinqaroq, xush bo'lib,
Kunlar o'tar tush bo'lib.
Ifor sochar chechaklar,
Tun aytadi ertaklar.

TONG YULDUZI

Charaqlagan yulduzman,
Ko'k yuzida yolg'izman.
Shuning uchun yonaman,
Erkaman osmonda man.

MANZARA

Yomg'ir tindi, gurkriab
Yashnab ketdi maysalar.
O'yinqaroq shabboda,
Huv adirda nay chalar.
Daraxtlarda chuldirab,
Qushlar keldi qayoqdan?
Dunyo rangin tovlanar,
Chiqqan kabi bo'yoqdan...

QUYOSH KULGUSI

So'lim bog'larga
Zavqli yoz keldi.
Bizni chorlagan,
Sho'x ovoz keldi.
Tonglar g'uborin,
Shudringlar yuvdi.
Ko'zlarim bog'da,
Kapalak quvdi.
Tilimda goldi,
Qovunlar totti.
Erkalab o'tdi
Shamol qanoti.
Tutdim quyoshning
Bog'ichlarini.
Tuydim bolalik
Sog'inchlarini...



Oydin tunlar pallasi,
Baqalarining yallasi,
Handalakning bo'ylari,
Dehqonbuva to'ylari -
Yozdan darak bermogda,
Qarang, laylak kelmogda.

Aziz bolajonlar!

Sevimli

shoiringiz

Nurillo

Ostonning sizga

o'xshagan besh

nafar shirin-

shakar farzandi

bor. Qizig'i, shoirming sizga bag'ishlab

chiqargan kitoblari ham beshta. O'zlari

besh bahoga o'qiganlarini ham inobatga

olsak, bu she'rarni o'qib sizning ham

ko'nglingiz chog', ishingiz besh bo'ladi

deb o'ylaymiz.




Nurillo Ostion



«Tong yulduzi» - 2000

QUSHLAR BOG'CHASI

Chumchug to'rg'ay, popishak,
Ildam-ildam chopishsak.
Birgalashib qolaylik,
Bog'chaga yo'l olaylik.
Unda bog'cha oramiz -
Kutar zag'cha oramiz.




YASHAYMIZ OZTOB

Chaqinlar tindi,
Giyohlar undi.
Yog'duga cho'tindi -
Yashasin oftobi!
Shudringda aksi,
Yaproqda raqsi,
Fayzlidir bahsi -
Yashasin oftobi!
Qo'qmqymiz tundan,
Yayraymiz kundand,
Tiriklik shundan -
Yashasin oftobi!




SHAFTOLI

Shaftolimiz pushti gul,
Duv quvlashib uchdi gul.
Keling, laylak uchganda,
Shaftolimiz pishganda!



YOMG'IRDAN SO'NG...

Zaminda nur sochildi,
Chamanda dur sochildi.
Erka shamol shiviri,
Qaldirg'ochlar vijiri.
Bog'larga navo berdi.
Ko'ngil sarxush yayraydi,
Yurakda qush sayraydi...



O'TIN ARRA

Ham o'ngga tort ham so'kga,
Hazir bo'l oyoq-qo'lga.
Qishda kerak ko'p o'tin
Hisoblab ol hom cho'tin
Opkel g'o'la yog'ochni,
Keraksiz qayrag'ochni.
Pechka sari taxlaymiz.




HANAZ

Yondi ko'kni nayzasi,
Undi yerning maysasi.
Shamol keldi, yel keldi,
Shovqin bilan sel keldi.
Cho'mildi bog'u qirlar
Chuchmomolar qiqirlar.
Qish qasrida qamal bu,
Sog'intirgan hamal bu!




CHUCHMOMAGA XAT

Tugab qoldi siyohim,
Endi qaydan olaman,
Sheriklardan siyohrang
Darrov izlab qolaman.
Topolmasdan qalamda,
So'ng bitaman Hushnoma:
- Menga jindak berib tur,
Siyohingdan chuchmoma!




IZQUVAR

Men mashhur izquvarman,
Ildamman, tezquvarman.
Ishimda yo'qdir hatto.
Bir gal bo'ri izini,
Yo'qolgan xonqizini.
Ketayapman hozirmi?
Izlab ukam Nodirmi!



BARRA

Qarang buncha yam-yashil,
Qizg'aldoqrang dalalar.
Bunga buncha ko'p ekan,
Menga o'xshash barralar.
Dikirlatib chopaman,
To'rt oyog'in - yo'rg'amni,
Yoqolmasin deb cho'pon
Taqib qo'ydi sirg'amni!






Асрол МУХТОРОВ,
Ўзбекистон халқ устаси



ОҚСАРОЙ

1404 йили Шаҳрисабздан Амур Темур қурдирган Оқсаройда бўлган Испания қироллигининг элчиси Рюй Гosalес Клавихо ўз кундаликларида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Мен подшоҳнинг амри билан қарийб 20 йилдан бери қурилаётган катта бир саройни кўрдим. Бу саройнинг кириш жойи жуда узун бўлиб, пештоқи жуда баланд эди. Кириш жойининг ўнг ва чап томонларида турли хил нақшлар билан безатилган, ёштан силлиқ қилиб қурилган Арklar қад кериб турибди. Кенглиги уч юз кадам бўлган катта ҳовлидан сўнг, подшоҳнинг тахти ўрнатилган залга киришдаги баланд ва катта эшик кўринади. Эшик олтин ва зангори ранглар билан безатилган, кошинлари жуда ҳам нафис ишланган. Эшикнинг устида энг ўртада қуёшда ўтирган шер тасвири туширилган, четларида ҳам худди шунақа - бу - Самарқанд шоҳининг гербидир. Бу эшикдан тўғри квадрат шаклида қурилган саломхонага қирилади. Бу хонанинг деворлари олтин ва зангори бўёқлар билан безатилган, кошинлари силлиқланган, шифти эса бутунлай зарҳалланган.

Ҳовлида жуда кўп мевали ва сояли дарахтлар мавжуд. Унда кўпгина ҳовузлар ва боғлар бор. Бу боғни кўргангизда, ёз пайтлари дарахтлар соясида жуда кўпчилик роҳатланиб дам олиши мумкин экан, деган фикр келди».



АРСЛОНХОН МИНОРАСИ

Арслонхон минорасига ишқибозлар дарҳақиқат жуда кўп бўлган. Вобкент яқинида бутун вилоят халқи ўртасида донғи кетган бир қишлоқ аҳли бор. Уларни қишлоқ номига кўра ширинлилар, деб аташади. Улар болаларча соддалиги, меҳнатқашлиги, қумлик-шумлик нималигини билмасликлари билан ажралиб туради. Шу сабаб Бухорода ўта содда одамни, бу ширин экан дейишади. Халқ орасида ана шу ширинлиларнинг Арслонхон минорасини сотиб олишга уринганлари ҳақида самимий кулгу билан сўғорилган қизиқ ҳикоят мавжуд.

Ширинлилар ҳар ҳафта Вобкент бозорига бориб хафа бўлиб қайтишаркан. Вобкентликлар доимо ҳар гапнинг бирида «Бизнинг минорани кўряпсизларми? Қойилмисизлар?! Сизларда минора тугул дурустроқ мўри ҳам йўқ», деб ширинлиларнинг кўзини очирмас экан. Алам ўтиб кетган ширинлилар маслаҳат қилиб, Вобкентдагидек минора қурадиган бўлишибди. Лекин лойиқ уста топилмабди. Ниҳоят ўйлаб-ўйлаб йиғилган ўн минг тиллага Арслонхон минорасини сотиб олиб келиб, Ширин қишлоққа ўрнатадиган бўлишибди. 5-4 вакил йўлни олиб Бухорога жўнабди. Тонг билан Бухорога кириб боришса, Минораи Калон остида яхшигина кийинган ёш бир муллавакча ўтирар эмиш. Вакиллар уни кўриб, ҳойнаҳой миноранинг эгаси шу бўлса керак, деб ўйлабди. Вакиллардан бири ундан сўрабди:

- Ҳой мулла йигит, минорангни бизга сотмайсанми? Муллавакча бир зум ҳайратда қолибди:
- А? Қанақа минора? - дебди...
- Шунда кексароқ ширинли унга танбеҳ бергандек:
- Ҳаёлинг жойида эмасми, дейман. Минора сеникими ахир? Шу минорангни сотиб олмоқчимиз. Сотасанми, деб сўрайман. Ўн минг тилла берамиз.

Энди гап нимадалигини фаҳмлаб олган муллавакча дарҳол:
- Ҳа, ҳа сотаман, сотаман! - дебди. - Сизлар қаердан келгансизлар?
- Биз Ширин қишлоғиданмиз, - деб жавоб беришибди вакиллар... Муллавакча базўр кулгисини босиб:
- Э, ширинлилармиз денглар, жуда ажойиб серҳиммат улуг халқсизлар-да, биламан. Ўн минг тиллаку миноранинг ярим нархи ҳам эмас, лекин сизлар яхши одам бўлганликларингиз учун, бориға барака, сотганим бўлсин! - дебди.

Вакиллар муллавакча билан бор-барака қилишибди. Ширинлилар от-арава билан уч кундан кейин келиб, минорани олиб кетадиган бўлишибди.

Уч кун ўтгач бир тўп ширинлилар от-араваларини шалдирашиб, минора ёнига келиб, чўкчи кетмон билан унинг тагини ковлай бошлашибди. Ҳамма шаҳарликлар ҳайрон, йиғилиб томоша қилишибди. Шу пайт миршаб келиб қолибди.

- Ҳой, ноинсофлар, нима қиляпсизлар? - дебди ғазабланиб.
- Биз ноинсофлармасмиз, ширинлилармиз. Уч кун бурун минорани ўн минг тиллога сотиб олганмиз. Уни араваларимизга ётқизиб олиб кетиб, қишлоғимизга ўрнатамиз. Мақтанчоқ вобкентликларнинг бир адабини бериб қўймоқчимиз.

Бу пайт атрофда текин томошага анчагина одам йиғилиб қолган экан. Мазза қилиб кулишибди.

- Э-э-э... Ширинлимисизлар?! Шундай демайсизларми?! - дебди миршаб ҳам хоҳолаб. Кейин жиддий қилиб қўшиб қўйибди. - Бу минора бутун Бухороники, у сотилмайди. Муллавакча сизлар билан ҳазиллашибди. Лекин сизлар хафа бўлмаглар, пулларинг бекорга кетмайди. Уша муллавакча Худо ярлақаб бир кунни катта амалдор бўлиб қолса, албатта Ширин қишлоғида зўр минора қурдириб берди.

Шундай қилиб ширинлилар от-араваларини шалдирашиб, миршабнинг гапига ишониб, тагин ортиларига қайтишибди.

Кўхна Хоразмнинг қадимий ёдгорликларидан бири Амударёнинг чап соҳилида жойлашган, баланд тепаликдаги қизқалъа ёдгорлигидир. Қизқалъа эрамизнинг III-IV асрларга тегишлиги билан киши диққатини ўзига тортади.

Ривоят қилишларича, бир вақтлар бу қалъани доворак, тadbирли гўзал малика идора қилган экан. Шу ерга яқин қўшни юртнинг ҳукмдори маликанинг таъриф-тавсифини эшитиб, унга гойибона ошиқ бўлиб қолибди. Унга совчилар қўяди. Лекин малика рад этади. Шундай бўлса-да ҳукмдор ўз аҳдидан қайтмайди ва акс ҳолда уруш очиб билан таҳдид солиб, яна элчилар юборади. Ҳукмдорнинг шум ниятини пайқаган доно малика шундай жавоб беради:

- Ўзинг яхши биласанки, сендек улуг подшоҳ мендек бир ожиза хотин билан урушмоғи номуносибдир. Агар шунча сўздан сўнг урушишни хоҳласанг асло қочмайман.

Ҳукмдор маликанинг қатъийлигини англаб, тинч йўл билан мақсадига эриша олмаслигига кўзи етгач, уни жанг билан олишга қарор

қилади. Ватан йўлида жонидан кечириб, жангга чиқишни муқаддас бурч деб билган малика ҳам душманга қарши кучли қўшин тўплади. Қалъа деворларининг бурчларидаги баъзи шкаст-рехталарини таъмир эттириб, мудофали жангга тайёргарлик

ҚИЗҚАЛЪА

кўради. Кутилмаганда Қизилқум даштидан ёвнинг сон-саноқсиз қўшини боствитиб келади. Икки ўртада узоқ вақт қирғин жанглр кетади. Лекин хон қўшинлари қалъа мудофаасини сира енга олмайди.

Жанг чўзилиб, узоқ давом этгандан тинкаси қуриб, озиқ-овқатлари тугаёзиб, душман қўшинлари қамални бўшатиб, орқага қайтиш ҳаракатига тушиб турган бир пайтда қамал ичида хоинлик юз беради. Хонни яхши кўриб қолган бир канизак у томонга қочиб ўтади. У саркарда мени севиб қолади, деб ўйлайди ва сўнг ҳукмдорга қалъанинг барча сирини очиб беради.

Сув таъминотидан маҳрум бўлган қалъа ҳимоячилари кўп ўтмай душманга таслим бўлишга

Устозларга ташаккур




БУХОРО АРК ҚАЛЪАСИ

Шоҳларнинг истиқомат қиладиган жойига айланган Арк бундан етти-саккиз аср илгари қурилган мураккаб комплексдан иборат бўлиб, унда хазина, омбор, девонхона, меҳмонхона, саййхона, тупхона, устахоналар жойлашган. Аркда жуда кўп бинолар бунёд этилган. Қадимий бинолардан бизгача бир қисми етиб келган. Кўпчилиги турли асрлардаги бешавқат зилзила, уруш ва ёнғинлар натижасида емирилган. Чингизхон қўшинлари Бухоро шахрига деярли жиддий қаршиликсиз ёриб киради. Аммо мўғул қўшинлари қаршиликка асосан шаҳар ичкарасидаги ана шу Арк қалъасида дуч келдилар. Қалъа учун курашган душман кучларининг қарийб ҳаммаси жалб этилган, ўн икки кеча-кундуз шиддатли ва қонли жанглр борган. Охири мўғуллар Хитой паломонларини ишга солиб, қалъани турли тош ва бошқа нарсалар, мумга ўралган ёнғичи ўқлар, ичига нефть тўлдирилган қумларни ота бошлайдилар. Қалъага ўт кетиб, душман ҳимоячилар қаршилигини енгиб, қалъага ёпириладилар. Улар катта мўғул қўшинига қарши қалъани 400 нафар киши ҳимоя қилганини билиб ҳайратда қоладилар.

мажбур бўладилар. Ёш қўшинларининг сарқардаси тантана билан қалъага киргач, мағлуб бўлганларини авф этади ва тўй ўтказишга ҳозирланади.

Малика енгилишига сабаб бўлган канизакни англаб, тутиб келтириб, қаттиқ жазолайди. Сўнг хоин канизакни чодирга ўраб, қудуқ олдига келтиришни буюради. Ҳукмдор малика илтимоси билан қудуқ олдига келади.

- Эй, ҳукмдор, сен мени алдадинг, қалъани жанг билан ололмадинг, бундай эр менга номуносиб, - дейди. Малика ўзини чукур қудуққа ташлайди.



(Давоми бор).

«ҚИРҚОЁҚ»НИНГ ҚАРИНДОШИДАН ҚЎРҚИНГ!

Ховлимиздаги, боғлардаги нам жойларда, ертўладаги тошлар тагида «Қирқоёқ» номли ажойиб ҳашоротни кўп учратамиз. Унинг «Қирқоёқ» дейилишига сабаб эса, бу ҳашоротда оёқлар сони ҳақиқатдан ҳам 40 талар атрофидадир.

«Қирқоёқ»нинг фойдали томонлари ҳам бордир, у нам тупроқдаги зарарли майда ҳашоротларни еб, озикланади.

Аммо, Франциянинг жанубида ва тропик ўлкаларда «Қирқоёқ»нинг заҳарли қариндоши яшайди, унинг номи - сколопендра. Агар у бирон кишини чақиб олса, бу жуда хавфлидир.

МОВИЙ РАНГЛИ ҚОН


Ҳаммамиз яхши биламизки, одамларда, ҳайвонларда, умуман барча тирик жонзотларда қоннинг ранги қизил бўлади. Лекин табиатнинг мўъжизасини қарангки, чаён, ўргимчак, денгиз қисқичбақасининг (крабнинг) қони қизил рангли эмас, балки мовий рангли экан.

Хўш, мовий рангли қоннинг қизил қондан фарқи нимада?

Одамлардаги ва жониворлардаги қоннинг қизил бўлишига сабаб, қонга қизил рангли гемоглобин - яъни, қизил пигмент бериб туради. Мовий рангли қонни эса гемоглобин эмас, балки гемоцианин номли модда ишлаб чиқаради.

Тадқиқотчи олимларни мовий рангли қон узоқ вақт ўйлантириб келди. Нима учун айнан чаён, ўргимчак ва крабнинг қони мовий рангда? Ниҳоят олимлар бу саволга жавоб топишди. Чаён, краб, ўргимчакда вена ва артерия томирлари бўлмайдилар. Айнан мана шу вена ва артерия томирлари бутун организмга кислород етказиб беради. Аммо ўргимчак, чаён ва краба кислородни қайси модда етказиб беради? Бу етказиб берувчи модда уларнинг қонини мовий рангда қилиб турадиган гемоцианин моддасидир.

Гемоцианин бу уч жонзотга фақат кислород етказибгина қолмасдан, балки уларнинг тана ҳароратини ҳам яхшилаб туради. Чаён, краб ва ўргимчак гемоцианин моддасисиз яшай олмайдилар.



ҚУШЛАРДА СУТ БЎЛАДИМИ?

Барчамиз «Қуш сүти» деб номланган тортни севиб истеъмол қилариз. Бу торт ҳозиргача энг сифатли ва энг мазали саналиб келинади.

Аммо нима учун тортнинг номи «Қуш сүти»? Қушларда ҳақиқатдан ҳам сут бўладими? Гарчи барча қушларнинг сүти бўлмаса-да лекин каптарда сут бор. Каптар ҳар доим ҳам ўз болаларини ҳашорот, дон-дун, уруғлар бериб боқавермайди. Кўпинча у болалари улгайгунча, уларни сут бериб боқади.

Ажаб эмас, сеvimли тортимизнинг «Қуш сүти» деган номи айнан каптарларга бағишлаб кўйилган бўлса.

ЕРЛИКЛАРГА ЭНГ ТИНИҚ КЎРИНАДИГАН ПЛАНЕТА

Бизга Ер планетасидан туриб қараганда, энг яққол кўринадиган планета бу - Венерадир. Венеранинг катталиги худди Ер планетасидек. Венерада тоғлар, чўллар ҳам мавжуддир. Унинг атмосфераси заҳарли углекислотали газдан иборат. Венера жуда иссиқ планетадир.

Венера Қуёш системасидаги бошқа планеталарга қарама-қарши йўналишда ҳаракатланади, шу сабабли ҳам Венерада Қуёш Фарбдан чиқиб, Шарққа ботади.



ЕВРОПА ТИЛЛАРИДАГИ ҲАФТА КУНЛАРИ НОМЛАРИНИНГ МАЪНОЛАРИ

Лотин тилига асосланган Европа тилларидаги ҳафта кунларининг номлари куйидаги маъноларни билдиради: «Якшанба» сўзи инглизчада «Sunday» дейилади, маъноси - «Худонинг куни» деганидир. «Душанба» сўзи инглизчада «Monday» дейилади, маъноси - «Ойли кун, ойнинг кунини англатади. «Сешанба» сўзи инглизчада «Tuesday» дейилади, маъноси - «Марснинг куни»ни билдиради. «Чоршанба» сўзи инглизчада «Wednesday» дейилади, маъноси «Меркурий куни» деганидир. «Пайшанба» сўзи инглизчада «Thursday» дейилади, маъноси «Юпитер куни». «Жума» сўзи инглизчада «Friday» дейилади, маъноси - «Венера куни» деганидир. «Шанба» сўзи инглизчада «Saturday» дейилади, маъноси - «Ҳафтанинг еттинчи куни» деганидир, чунки қадимда Европада Шарқдаги каби ҳафтанинг биринчи куни Якшанба ҳисобланган.

Инглизча ва бошқа Европа тилларидаги «Ҳафта», яъни - «Week» сўзи қадимда «етти» деган маънони англатган.



Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ тайёрлади.

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шуҳрат АҲМЕДОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Ойниса МУСУРМОНОВА, Ҳотам АБДУРАИМОВ, Мукаррама МУРОДОВА, Суннатилла ҚЎЗИЕВ, Эргашвой САРИҚОВ.

Ношир "Ijod dunyosi" нашриёт уйи

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатда офсет усулида 39092 нусхада босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма - К-8156 Газетани Муҳаббат МАҲСУДОВА саҳифалади. Навбатчи: Маъмура МАДРАҲИМОВА

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137 Манзилимиз 700129, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 30-уй.

Тел: 144-62-34



БЎЙИГА: 1.Кўшиқнинг такрорланадиган банди. 2. Ҳинд аёлларининг устки кийими. 3. Таги тўла сариқ олтин. 4. Найза ўқли қадимий қурол. 6. Ҳарбий хизматчи. 7. Даста, тутқич. 8. Оширма хамирдан ёпилган юпка нон. 11. Юмалоқ шаклдаги ёстиқ. 12. Босим ўлчов бирлиги. 15. Номтаъlum сонни белгилловчи лотин ҳарфи. 16. Паррандалар учун махсус қурилган хонача. 19. Энг катта йиртқич овчи қуш. 20. Кеч тун пайти. 22. Ўзидан мўилови узун ҳашорат. 23. Кўлли, оёқли чаққон киши. 24. Углевод билан водород бирикмасидан иборат рангсиз ёнувчи газ. 27. Спортда икки рақиб ўртасидаги мусобақа. 28. Нашр этиладиган асар ўлчов бирлиги.

ЭНИГА: 5. Гуруч, гўшт ва сабзавотлар пишириладиган ош. 7. Шаҳар транспорти. 9. Товуқларнинг «туғруқхонаси». 10. Атрофи сув билан ўралган қуруқлик. 12. Муқаддас кўшиқ. 13. Дурадгорлик асбоби. 14. Айёрлик тимсоли бўлган жонивор. 16. Моддий ёки маънавий ёрдам. 17. Пулнинг айланма ҳаракати. 18. Санъат асарини ижро этувчи киши. 20. Кўлнинг тирсагидан кафт бўғимига бўлган қисми. 21. Бир-бирини кесиб ўтган икки нарса. 23. Сут қарори. 25. Озиқ-овқат бўладиган нарсалар. 26. Оғзи йўқ, лекин тиши бор. 27. Ошиқ бўлиб қолган тол. 29. Тинчлик рамзи бўлган қуш. 30. Яхши йўлга солиш, таълим бериш мақсадида айтилган гап.

Тузувчи Шерзод ЗОИРОВ, Тошкентдаги 229-мактаб ўқувчиси.

